

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МАМАНОВ САРДОРЖОН СОБИР ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА
“КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Маманов Сардоржон Собир ўғли

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

Маманов Сардоржон Собир ўғли

Совершенствование организационно-правовых основ системы «комплаенс-контроля» в сфере противодействия коррупции.....23

Mamanov Sardorjon Sobir ugli

Improving the organizational and legal basis of the “compliance control” system in the field of combating corruption.....45

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МАМАНОВ САРДОРЖОН СОБИР ЎҒЛИ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА
“КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Yu1096. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухташева Умида Абдиловна
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахроров Баҳром Жаббарович
юримдик фанлар доктори, профессор

Қабиллов Шарифжон Раҳимович
иктисодиёт фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юримдик университети

Диссертация ҳимояси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 6 февраль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2024 йил 26 январь куни тарқатилди.

(2024 йил 26 январьдаги 01-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзақов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупцияга оид жиноятлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ушбу соҳада “комплаенс-назорат” (compliance control) тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим эканлигидан бермоқда. Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари **3 триллион** АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда, унинг салкам **1 триллион** АҚШ долларини айнан пора бериш ва олиш ҳолатлари ташкил этади. Бунда, глобал миқёсда коррупция туфайли давлат харидлари фондларининг **25 фоизгача** қисми йўқотилади. Ўз навбатида, ушбу рақам жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **5 фоизини** ташкил этиши коррупцияга қарши курашиш ишларининг салбий ҳолатда сақланиб қолаётганлигидан далолат беради¹. Бу борада, 2000 йиллар ўрталарида Volkswagen, Daimler, Siemens Odenbrecht, Petrobras, Samsung Group, Hyundai Motor² каби иқтисодий жиҳатдан йирик халқаро компаниялар фаолиятида коррупцияга оид низоларнинг юзага келиши уларнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш механизмларининг мустаҳкам эмаслиги исботлади, бу эса давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимларини жорий этиш зарурлигини тақозо этди. Буларнинг барчаси, халқаро майдонда ушбу соҳани такомиллаштириш орқали коррупциянинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатиб бермоқда.

Жаҳонда “Baker and McKenzie” маълумотида кўра **150 дан** ортиқ давлатларда ва **5000 мингдан** ортиқ компанияларда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган³. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупциянинг оқибати билан эмас, балки унинг олдини олишда замонавий методларга асосланган янги превентив механизмларни жорий этишни назарда тутди. Шу боис, коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш орқали илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Бу ўринда, барча давлат органлари ва ташкилотлари кесимида коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишда ижобий самара бераётган тизимлардан бири сифатида “комплаенс-назорат”

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқи //2023 йил. [Электрон манба]. URL: https://uza.uz/u/z/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-yuksak-xalqaro-mukofotni-topshirish-marosimidagi-nutqi_549682

² Б.И. Исмаилов, И.И. Насриев Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика. // Монография. - Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. - 290с.

³ Investigations, Compliance & Ethics by Calibrate Risk Globally. [Электрон манба]. URL: <https://www.Bakermckenzie.com/en/expertise/practices/investigations-compliance-ethics>

тузилмалари жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлат идораларининг “комплаенс-назорат” тузилмалари томонидан ўтказилган 1293 та назорат тадбирларида 791,4 млрд. сўмдан ортиқ аниқланган молиявий қонунбузилиши ҳолатлари якуни бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 149 нафар шахслар жиноий ва 74 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилган ҳамда 834 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилган⁴. Бу каби омиллар, миллий амалиётнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишида долзарб мавзуга айланаётган “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий, илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштириш зарурати яқин вақтдаги илмий долзарбликлардан бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2023 йил 28 ноябрдаги ПФ-200-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сонли “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг илмий-назарий, амалий жиҳатларининг тадқиқ этилиши нисбатан АҚШ ва Европа давлатлари олимлари ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, ушбу тизимнинг вужудга келиши, унинг ривожланиши, тушунчаси, ташкилот фаолиятида жорий этиш масалалари ва унинг коррупцияни олдини олишдаги хусусиятлари АҚШлик Martin Kling, Jeff J. Marwil, Jerry J. Burgdoerfer, M. Jonson, Allen B. Roberts, Joe Murphy, Tom Tyler каби олимлар ва амалиётчи мутахассислар томонидан тадқиқ этилган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайти маълумоти [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uzc/category/news?page=10>.

Европа давлатлари мисолида ушбу тизимнинг зарурий элементлари ҳамда соҳага доир халқаро стандарт ва тавсияларнинг айрим жиҳатлари Jerrey V.Markham, T.Tayler, Rosemary Carlson, Emil Moschella, Donna Boehme, Av. Ergys Misha, B. Bannenberg, Ahmed Mahmoud Hany, Tzvika Shahaf, Anne Eberhardt каби олимларнинг қарашларида ифода этилган.

МДХ давлатларида “комплаенс-назорат” тизими алоҳида ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар мисолида Д.Примаков, Э.Иванов, Л.Ложкина, М.Гранкин, М.Жигас, О.Выползова, Ю.Маркина, Г.Бочаева, Т.Хабриева, А.Федорова, А.Тимошкин, Ю.Ткаченко, Н.Эрмакова, М.Шаршоваларнинг илмий тадқиқотларида ушбу тизимнинг умумий хусусиятлари, коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга тўхталиб ўтилади.

Айтиш лозимки, ушбу тизим хорижий давлатларга нисбатан миллий амалиётимизга янгидан кириб келганлиги боис, диссертация мавзуси сифатида шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Бу ўринда, Б.Исмаилов, Ш.Қобилов, У.Тухташева, В.Каримов, Б.Ахроров, М.Мамасиддиқов, Е.Коленко, И.Насриев, Х.Турсунбеков, А.Одинаев, Т.Кенжаев, Ф.Ғафуровлар⁵ томонидан илмий ўрганилган бўлса-да, бироқ ушбу илмий тадқиқотлар кўп жиҳатдан коррупцияга қарши курашишнинг умумий асосларига бағишланади ва айнан ушбу соҳани илмий-назарий, методологик асосларини тадқиқ этишга қаратилган монографик тадқиқотлар олиб борилмаган. Бугунги кунда хорижлик олимларнинг тадқиқотлари коррупцияга қарши курашишда муҳим ўрин тутди ва “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштиришда назарий дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Бироқ, миллий амалиётда коррупцияга қарши курашиш йўналишида долзарб мавзуга айланаётган “комплаенс-назорат” тизимини тадқиқ этиш ва уни оммалаштириш яқин вақтдаги илмий заруриятлардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги асослар, илмий диссертациянинг мавзуси доирасида илмий изланишларни олиб боришни заруриятга айлантирибгина қолмай, балки бу ўринда ушбу тизим мустақил тадқиқот сифатида илк маротаба комплекс жиҳатдан илмий ўрганиш учун асос яратди. Диссертация натижалари келгусида шу каби илмий тадқиқотларга методологик асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, “Коррупция муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган (2020-2023).

Тадқиқотнинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁵ Олимлар ва соҳа мутахассисларининг мавзуга алоқадор бўлган илмий тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимида оид илмий-назарий асослар моҳиятини очиқ бериш натижасида илмий тушунча ва таърифларни ишлаб чиқиш;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг ривожланиш босқичлари, зарурий элементлари, давлат ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида жорий этиш босқичларини тадқиқ этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг (whistle blowing policy) ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга қаратилган халқаро стандарт ва тавсияларни тадқиқ этиш яқунлари бўйича миллий қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилиш заруратини ўрганиш;

хорижий давлатларнинг ушбу йўналишдаги ижобий тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини миллий амалиётга татбиқ этиш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг илмий-назарий асослари ва методик жиҳатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга оид миллий қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини миллий даражада коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ёндашувлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти, халқаро стандарт ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий сўровлар, мантиқийлик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, индукция, дедукция каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши тузилмаларининг коррупция ҳолатларини олдини олиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул эканлиги ва ушбу тузилма раҳбарларини ишга қабул қилиш, лавозимдан озод этишда мажбурий тартибда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишиш тартибини қонунчилик ҳужжатларида жорий этиш зарурияти асосланган;

коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш орқали соҳага доир илмий назариялар, янги тушунчаларнинг шаклланиши, амалиётга жорий этиш босқичлари ва хорижий давлатларда қўлланиладиган асосий моделлари ҳамда ташкилотларда

тизимни самарали ташкил этишдаги илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш асослантирилган;

давлат ташкилотларида ушбу тузилмалар фаолиятининг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқий мақоми, функция, вазифа, ваколат ва мажбуриятларини ҳамда штатлар сонини белгилашнинг аниқ мезонларини алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш зарурияти асослантирилган;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва улар яқин қариндошларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари, иш берувчи томонидан уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилишини олдини олишга доир қонунчиликда белгилаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида “коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими”, “ҳалоллик назоратчиси”, “кўнгилли хабар берувчи”, “коррупциянинг олдини олиш” тушунчаларига таъриф, “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишга доир “ихтисослашган, мослашган, аралаш” 3 хил моделларининг таснифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни 28-моддасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини жорий этиш таклифлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаси раҳбарларининг давлат ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очик танлов асосида ишга қабул қилинади, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилиш тартиби ва ушбу тузилманинг асосий вазифалари ишлаб чиқилган;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини самарали ташкил этишда юзага келаётган муаммоларнинг таҳлили асосида Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича (2021 йил) ва Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича қўлланмалар (тўлдирилган янги наشر)ни (2022 йил) ишлаб чиқилган;

давлат ташкилоти раҳбарлари томонидан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини самарали ташкил этмаганлиги учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаси ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Коррупцияга қарши илмий-тадқиқот ва таҳлил марказини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси,

социологик тадқиқотнинг анкета, интервью шаклларига асосланган, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ечишга йўналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга тавсиялар орқали синовдан ўтказилганлиги, натижалари - фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 400 нафардан ортиқ давлат хизматчилари, профессор-ўқитувчилар, “комплаенс-назорат” тузилмалари ходимлари ўртасида сўровномалар ўтказилган. Тадқиқот натижалари синовдан ўтказилган ҳамда республиканинг етакчи миллий нашрлари ва халқаро журналлар, илмий-амалий конференциялар тўпламларида чоп этилган. Ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган ва қонунчилик ҳужжатлари ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда келтирилган илмий хулосалар ва таклифлардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар ўтказишда, шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш ва “комплаенс-назорат” тизими” ҳамда “Коррупция муаммолари” модулларни ўқитишда, ўқув жараёнларида маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ўтказишда ҳамда услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, давлат ташкилотлари ва хусусий секторнинг коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаси ходимлари учун методологик асосларни яратишда, шунингдек, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

коррупцияга қарши “комплаенс-назорати” тузилмаларининг давлат органлари ва ташкилотларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларни бартараф этишга доир вазифаларни белгилашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли Қарорини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил 14 августдаги 01-07/3900-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар “комплаенс-назорат” тузилмаларининг мустақил фаолият юритиши ва уларнинг асосий вазифаларини белгилаш ҳамда қонунчилик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини самарали ташкил этишга оид таклифлар тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил 14 августдаги 01-07/3901-сон далолатномаси). Ушбу ҳужжатлар “комплаенс-назорат” тузилмалари фаолиятининг илмий-назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг мустақиллигини таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза ҳақидаги ахбороти тўғрисида”ги қарорининг 2-банди 3-хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси 2023 йил 29 августдаги 62-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмалари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-729-сон Қонуни 28-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2023 йил 6 октябрдаги 04/2-09/3429-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунчиликдаги асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда (2 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, шу жумладан, халқаро журналларда 1 та, ОАК рўйхатидаги илмий журналларда 7 та илмий мақола, халқаро конференцияларда 2 та, миллий конференцияларда 3 та тезислар, 2 та услубий қўлланма, 1 та дарсликда алоҳида боб шаклида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Коррупцияга қарши курашишда “комплаенс-назорат” тизими жорий этилишининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг илмий-назарий асослари, хусусан, ушбу тизимнинг халқаро амалиётда юзага келиш тарихи, унинг ривожланиши, коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизими тушунчасининг тавсифи тадқиқ этилган. Бундан ташқари, “комплаенс-назорат” тизимини давлат ва хусусий сектор фаолиятига жорий этиш босқичлари, ушбу жараёнда эътибор қаратилиши лозим бўлган ўзига хос жиҳатлари ва зарурий элементлари тадқиқ қилинган.

Хусусан, “комплаенс-назорат” тизими дастлаб АҚШда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат соҳасидаги компаниялар фаолиятида умуммажбурий қоидалар белгиланиши натижасида 1906 йилда (**FDA, Food and Drug Administration**) ташкил этилиши ва унинг зарурати ҳақида тўхталиб ўтилган.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими тушунчасининг илмий таърифига тўхталиб ўтилган бўлиб, унда мазкур тушунчани ўз илмий қарашларида тадқиқ этган J. Marvil, J. Burgdoyerfer, P. Pererva, Donna Boehme, Av. Ergys Misha, Э.Иванов, А.Тимошкин каби қатор хорижлик олимлар ва экспертлар билан илмий баҳсга киришилди ва уларнинг илмий қарашларига илмий муносабатлар билдирилди, бунинг натижасида илк маротаба илмий-назарий доирада ушбу тушунчанинг қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига жорий этиш зарурати тушунтирилди:

“коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими – давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупциявий хавф-хатарлар ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган тизимдир”.

Ушбу боб доирасида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини давлат ташкилотлари фаолиятига жорий этишнинг мақсади, унинг асосий вазифасига доир зарурий тушунчалар ва илмий таърифлар ишлаб чиқилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши

курашиш тўғрисида”ги қонунининг асосий тушунчалари каторида акс эттириш заруриятлари тушунтирилди.

Шунингдек, олимларнинг, халқаро стандартларнинг (ISO 19600:2014 Compliance management systems – Guidelines, The Basel Committee on Banking Supervision) илмий таҳлили асосида “комплаенс-назорат” тизимининг моделлари таҳлил қилинган. Хусусан, бугунги кунда ушбу тизимнинг 2 хил модели қўлланилиши, бунда асосан давлат ва хусусий сектор фаолияти қонун ва қоидаларга мувофиқ ташкил этилиши ҳақида тўхталиб ўтилган.

Бироқ, диссертантнинг ёндашувида кўра, ушбу тизимни қуйидаги 3 хил шаклдаги моделга ажратиш тавсия этилган:

“иқтисослашган коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” модели” ташкилот фаолиятига коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг хорижий давлатлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этилади ҳамда халқаро доирадаги имиджини оширишга қаратилган бўлади, бунда мазкур тузилманинг асосий вазифалари ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтирилади;

“мослашган коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” модели” асосан ташкилотнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширади ва мунтазам равишда фаолиятни турли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш каби ички профилактик чораларни татбиқ этишга қаратилган бўлади;

“аралаш коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” модели” ташкилотнинг миллий ва халқаро доирадаги нуфузини сақлаш, коррупция ҳолатлари содир этилишининг олдини олиш ва ушбу йўналишдаги фаолиятни миллий қонунчилик ҳамда умумбелгиланган қоидаларга мувофиқ ташкил этишдан иборат бўлади.

Бундан ташқари, коррупциявий хавф-хатарлардан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бўйича босқичлари, ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни ташкил этувчи зарурий элементлари тадқиқ этилган.

Мазкур боб доирасида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг зарурий элементлари ва ташкилот фаолиятида жорий этиш босқичларига тўхталиб ўтилган бўлиб, тадқиқотчи бу борадаги ўз нуқтаи назарини асослаш билан бирга, ушбу йўналишда тадқиқот олиб бориб, АҚШ, Европа ва МДХ давлатлари олимлари Mini vande Pol, Ahmed Mahmoud, Д.Примаков, О.Выползова, Ю.Маркина, М.Шаршова билан илмий баҳс-мунозарага киришиб, уларнинг илмий қарашларига ўз муносабати билдириб ўтилган.

Мазкур боб бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижаларга эришилган:

1. Қуйидаги илмий тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган ва илмий-назарий шарҳ берилган:

- коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими;
- коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмасининг асосий мақсади;
- коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмасининг асосий вазифаси.

2. Давлат ва хусусий сектор фаолиятига коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг жорий этилиши 3 хил шаклдаги моделга ажратилди ва уларнинг илмий тавсифи ишлаб чиқилган.

3. “Комплаенс-назорат” тизимини ташкил этувчи зарурий элементлари илмий таҳлил қилинган ва муаллифлик қарашлари асосида “олий таълим” соҳаси мисолида 11 та намунавий элементлар ажратилди.

4. Мазкур тизимни илк маротаба миллий амалиёт, давлат ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятига жорий этишнинг 4 хил шаклдаги намунавий босқичлари ва 16 та кичик режа-дастурлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг ривожланиши: халқаро стандарт ва хорижий тажриба”** деб номланиб, бунда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга қаратилган халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг ушбу йўналишдаги тажрибаси тадқиқ этилган.

Жумладан, 10 дан ортиқ халқаро стандарт ва тавсиялар (United Nations Convention against corruption, An anti-corruption ethics and compliance programme: UNODC’s practical guide for business, Good practice guidance on internal controls, ethics and compliance)нинг “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга доир жиҳатлари ҳамда халқаро компанияларнинг ижобий тажрибалари илмий-қийёсий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Хусусан, коррупцияга қарши курашишдаги энг асосий ҳужжат ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” халқаро стандарти (ISO 37001 Anti-bribery management systems) “комплаенс-назорат” тизимига доир ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг халқаро ҳужжатларда эътироф этилган асосларини ўз ичига олувчи тамойилларни (*tone at the top, zero tolerance to corruption, transparency, whistleblowing policy, compliance officer*) миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича чора-тадбирлари тавсифланган.

Коррупцияга қарши курашишда “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишда ижобий тажрибага эришган АҚШ, Буюк Британия, Словения, Латвия каби давлатларнинг соҳани тартибга солишга доир қонунчилиги ва амалий тажрибалари миллий қонунчиликка жорий этиш жиҳатидан ўрганилди.

Хусусан, Словения давлатининг “Словения давлат холдинги акти тўғрисида”ги (Slovenian sovereign holding Act of 2014) қонуни ташкилотда коррупцияга қарши курашиш ишлари учун масъул шахс “комплаенс офицери” (compliance officer, ethics officer) лавозимига тайинланувчи шахс, ушбу лавозимга қўйилган талаблар, унинг вазифалари, ваколат доирасига оид жиҳатлари тадқиқ этилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида тадқиқотчи ушбу тушунчаларга ўз муаллифлик таърифини ишлаб чиққан ва илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган. Жумладан:

“ҳалоллик назоратчиси – ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш устидан назоратни амалга оширувчи ва самарали

коррупцияга қарши курашиш сиёсатини юритиш учун масъул бўлган жисмоний шахс”;

“кўнгилли хабар берувчи – меҳнат фаолиятини амалга ошириш давомида давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи қонунбузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида кўнгилли равишда хабар берувчи жисмоний шахс”.

Мазкур бобда тадқиқотчи тезкор-қидирув тадбирларини тадқиқ этган хорижлик олимлардан Allen B. Roberts, Susan Lorde Martin, Anne Eberhardt, Rosemary Carlson, Горан Клеменчич, Р.Патришичлар билан баҳсга киришиб, уларнинг тадқиқотларини ўзига хос жиҳатларига нисбатан ўз нуқтаи назарини билдириб ўтган.

Шу билан бирга, мазкур боб доирасида “комплаенс-назорат” тузилмаси, унинг фаолият юритиши, ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Мазкур боб юзасидан давлат ташкилотларида фаолият юритадиган 400 нафардан ортиқ ички назорат ходимлари ўртасида “комплаенс-назорат” тузилмаси, унинг ташкил этилиши ҳамда мазкур жараёнларда асосий эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлар юзасидан ижтимоий сўровнома ўтказиш орқали уларнинг фикрлари ўрганилган.

Масалан, сўровномада иштирок этган 400 нафар респондентдан:

91 нафари (18,2%) – “коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими” атамасига қонунчиликда тўлақонли таъриф берилмаганлигини;

203 нафари (40,6%) – ушбу йўналишда етарли тадқиқот ўтказилмаганлиги, илмий маълумотлар деярли топилмаслигини;

329 нафар (65,8%) – тузилма фаолияти қонунчиликда етарли даражада тартибга солинмаганлиги;

198 нафари (39,6%) “комплаенс-назорат” тузилмаси фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш яхши йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаб ўтишган.

Шу билан бирга, тузилманинг давлат органларида тўлақонли фаолият юритиш бўйича таклифлар сўралганида сўровномада иштирок этган 400 нафар респондентдан:

235 нафари (47%) – “комплаенс-назорат” тузилмасининг давлат ташкилотларига жорий этилишида хорижий энг яхши амалий тажрибаларга таянилиши кераклиги;

266 нафари (53%) – бу соҳада кадрлар тайёрлаш ишларини янада жадаллаштириш кераклиги;

333 нафари (67%) – “комплаенс-назорат” тузилмаларининг ҳар бир давлат органида ташкил этилишида ташкилотнинг ўзига хосликларини ҳам инобатга олиш лозим деган кўшимча фикрларни билдирилган.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими миллий амалиётга ва миллий қонунчиликка татбиқ этилишининг асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Миллий қонунчилик ва амалиётда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш масалалари ва истиқболлари”** деб номланган бўлиб, мазкур боб доирасида миллий амалиётда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини

жорий этиш масалалари ва ушбу тизимни қонунчиликка татбиқ этиш ва ташкилий-назарий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Хусусан, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган чоралар натижасида, халқаро рейтингларда мамлакатнинг ўрни мустаҳкамланиб борилаётганлиги қайд этилган. Жумладан, Transparency International халқаро нодавлат ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индексига кўра, Ўзбекистон 2020 йилда 180 давлат орасида 146-ўринни, 2021 йилда 140-ўринни эгаллаган бўлса, 2022 йил якунлари бўйича 2021 йилга қараганда 14 поғонага юқорилади, бунда 126-ўринни қайд этган давлат МДХ давлатлари орасида энг яхши кўрсаткичдаги ягона давлат деб топилган.

Бироқ, республикада амалга оширилаётган бу каби чораларга қарамай, ҳали-ҳанузгача коррупцияга оид жинойтларнинг содир этилиш даражаси сақланиб қолмоқда. Республикада 2022 йилда жами 2965 та жинойт иши бўйича 3116 нафар мансабдор шахс жинойий жавобгарликка тортилган. Шундан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖКнинг 167-моддаси) жинойти 2021 йилда 3883 та, 2022 йилда 5 891 та, 2023 йилнинг 3 ойида 1 458 тани ташкил этган. Пора олиш, пора бериш ва воситачилик қилиш жинойтлари (ЖКнинг 210, 211, 212-моддалари) эса 2021 йилда 162 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 251 та етган бўлиб, 89 тага, яъни қарийб 55 фоизга ортганлигини кўриш мумкин. Коррупциявий жинойтлар оқибатида давлат ва жамият манфаатига 1 трлн. 12 млрд. сўм миқдоридан моддий зарар етказилган. Бунда, коррупцияга қарши курашишда унинг оқибати эмас, балки унинг олдини олишда превентив чораларга эътибор қаратиш масаласи тадқиқ этилган.

Ўзбекистоннинг давлат идоралари фаолиятида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш масалалари ўрганилди. Бугунги кунда коррупцияга қарши курашишга доир давлат сиёсатининг асосий йўналиши, бунда давлат ташкилотлари кесимида коррупциянинг олдини олиш йўналишида “комплаенс-назорат” тизимининг тутган ўрни, унинг самарадорлиги, ижобий омиллари, ушбу йўналишни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили каби қатор жиҳатлар ўрганилди.

Тадқиқотчи томонидан ушбу тизимни ўзида жорий этган давлат идоралари вакиллари билан интервьюлар, суҳбатлар ўтказилган ҳамда мавжуд ҳолатларнинг илмий таҳлили асосида соҳани такомиллаштиришга тўсик бўлиб келаётган қатор илмий-амалий йўналишдаги муаммо ва камчиликлар таҳлил этилган ва унинг ўзига хослигига кўра алоҳида гуруҳларга бўлинган.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими ривожига таъсир кўрсатаётган омилларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- I. Илмий-назарий омиллар.
- II. Ташкилий-ҳуқуқий омиллар.
- III. Қонунчиликдаги омиллар.

Юқоридагиларга асосан, тадқиқотчи томонидан ҳар бир омил тоифалаштирилган ҳолда алоҳида гуруҳларга мос равишда жами **20 дан ортиқ муаммоларнинг** илмий-назарий ва амалий жиҳатлари тавсифланган. Масалан, қонунчиликдаги омиллар гуруҳига киритилган омилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг умумий қоидалари акс этган бўлиб, бироқ хабар берган

шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари белгиланмаганлиги таҳлил қилиниб, асослантирилди.

Бундан ташқари, мазкур бобда юқорида кўрсатилган муаммо ва камчиликларнинг илмий-назарий жиҳатлари асослантирилиб, ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий жиҳатларни такомиллаштиришга, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларни такомиллаштиришга ҳамда қонунчиликдаги жиҳатларни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар берилган.

Ҳар бир йўналишга мос равишда муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва уларни миллий қонунчилик, амалиётга жорий этиш истиқболлари тадқиқ қилинган.

Хусусан, қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмаганлиги каби жиҳатлар ўрганилган, тадқиқотчи томонидан ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмалари фаолият самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва “Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги низом лойиҳалари шулар жумласидандир.

Тадқиқотчи мазкур бобни тадқиқ этиш жараёнида коррупцияга қарши курашиш соҳасида изланишлар олиб борган олим ва амалиётчи мутахассислар Б.Исмаилов, Ш.Қобилов, В.Каримов, Е.Коленко, И.Насриевларнинг илмий ишларида коррупцияга қарши курашишнинг умумназарий асослар ва амалий жиҳатларини ёритишга эътибор қаратилган бўлса-да, уларга ўзининг илмий муносабатини билдирган ҳолда, соҳани такомиллаштириш истиқболлари юзасидан илмий таклиф ва тавсияларини билдирган.

Хулоса қилиб айтганда, диссертациянинг 3 та боби доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида эришилган илмий натижалар, келгусида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг услубий-методик ва амалиётдаги муаммоларини бартараф этиш каби жиҳатларни такомиллаштиришга хизмат қилиши асослаб берилган.

ХУЛОСА

“Коррупцияга қарши курашиш соҳасида “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар

1. Халқаро стандарт ва тавсиялар, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг хориж амалиётида эътироф этилган асосларини ўз ичига олувчи тамойилларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича чора-тадбирларнинг назарий хулосалари шакллантирилди:

Раҳбариятнинг коррупцияга қарши курашишга доир шахсий намунаси (*Tone at the top*), коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан “0 (ноль)”

даражадаги чидамлилиқ маданияти (*zero tolerance to corruption*), фаолиятни очик ва шаффофлик асосида ташкил этиш (*transparency*), коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш (*whistleblowing policy*), контрагентларнинг ишончли эканлигини баҳолаш (*due diligence*), “комплаенс-назорат” тузилмаси ходими (*compliance officer*).

2. Тадқиқотнинг илмий-таҳлилий натижаси ўлароқ, “комплаенс-назорат” тизими тушунчасига илк бор таъриф берилди ва мазкур тизимни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад белгиланди:

“коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими – давлат идоралари ва хўжалиқ юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупциявий хавф-хатарлар ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонунбузилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган тизимдир”.

